Ушбу сонда:
2 Огоҳликка даъват МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ
3 ОҚГУЛ ВА ДЕНИС - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ
4 Бизнинг мусоҳаба НАЗОКАТ ТИМСОЛИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 13 сентябр, сешанба № 151 (1992)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЖАМҒАРМА КЎМАГИ

***Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Фарғона шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари мактабига 100 миллион сўмлик турли спорт жиҳозлари етказиб берди.***

*Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир. Шу йилнинг ўзида туманларда бешта янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Улар 500 миллион сўмликдан ортиқ спорт анжомлари билан таъминланди.*

*- Бу спорт мактабига топширилган янги жиҳозлар бўлажак чемпионлар етишиб чиқишига ёрдам беради, - дейди тадбир иштирокчиси, бадиий гимнастика бўйича Олимпиада ва жаҳон чемпиони Оксана Чусовитина.*

***Бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, кўкаламзорлаштириш, боғлар яратиш халқимизнинг азалий фазилатларидандир. Жумладан, муборак Ҳадисларда: «Қиёмат куни бўлса ҳам, қўлида бир ниҳоли бор одам уни эксин», дея бежиз айтилмаган.***

## ИСТИҚЛОЛ БОҒЛАРИ

Дарахт - ер зийнати. Дарахт мева-чева, ёғоч-ўтин манбаи. У шунингдек, соя-салқин, кўнгилга яқин манзара сифатида ҳам ҳаётимизнинг бебаҳо хазинасидир.

«Боғ кимники - боғбонники», деганларидек, дарахт эккан, боғ қилганларнинг номи эл-юрт тилида, дилида абадий қолади. Шундай кезларда қарийб 700 йил илгари Самарқанд атрофида бунёд этилган машҳур Амир Темур боғлари ёдга тушади. Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор ва Боғи Шамол - Амир Темурнинг энг машҳур боғларидир. Қадимда уларни сайёҳлар, тарихчилар Эрам боғларига қиёслашган.

Тарихий манбаларга кўра, Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Боғи Бўлду, Боғи Зоғон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана қўруғи, Чумчуқли, Ғозхона ва бошқа боғлар шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг боғ барпо этиш анъанасини темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Бобур каби боболаримиз ҳам давом эттиришган.



### Яратиш санъати

Боғдорлик, яъни боғ тузиш - хиёбон, боғ, чорбоғ ва шунга ўхшаш бошқа кўкаламзорлаштирилган жойлар яратиш ўзига хос санъат демакдир. Ушбу санъат ўз меъморий ечими, таркибидаги кўшклари, ҳовузлари, хилма-хил дарахтлари, чаманзорлари билан анъанавий меъморликда алоҳида ўрин тутади.

Аждодларимиз бу борада катта тажриба ва бетакрор услуб эгаси бўлишган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, Европада боғ яратиш санъати айнан Шарқ анъаналари таъсирида ривожланган.

Дастлабки боғлар атрофидаги меъморлик асосан хом ғишт, пахса ва синчкор иморатлардан иборат бўлган. Улар замонлар ўтиши билан ёғин-сочин туфайли бузилиб кетган. Жаннатмонанд қўҳна боғларимиз, уларнинг муҳим таркибий қисми - кўшк-кошоналар, ҳовуз-фавворалар, афсуски, фақат достонларда ва миниатюра расмларида муҳрланиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, Амир Темур боғларининг тузилиши жуда ўзига хос бўлган. Боғлар асосан икки хил кўринишда барпо этилган. Бир тоифадаги боғлар мунтазам режа асосида барпо қилиниб, гул, бута, дов-дарахтлар аниқ тартиб билан ўтқазилган. Одатда «чорбоғ» деб юритилган тўртбурчак шаклидаги бу боғларнинг ҳар бир томони қарийб минг метргача чўзилган. Боғ саҳнидан ўтган ариқлар эса уларни тенг тўрт қисмга ажратиб турган.

Бошқа тоифадаги боғлар қўриқхона шаклида бўлиб, асосан табиий шароитда вужудга келган дарахтзор ва чакалакзор бағрида барпо этилган. Бу боғлардаги турфа ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлган.

Афсуски, истибдод даврида миллий боғ яратиш санъатига эътибор бўлмади. Боз устига, эски тузум йилларида пахта майдонларини кенгайтириш эвазига қанчадан-қанча боғлар, токзорлар қирқиб ташланди. Юртимизда манзарали ва мевали боғлар яратиш ишлари эътибордан четда қолди.

Шўролар даврида ташкил этилган маданият ва истироҳат боғлари асосан бир хил қолипда, баъзи ҳолларда тегишли ҳудуд иқлимига мос келмайдиган дарахтлардан иборат эди. Ниҳоллар кўпинча палапартиш экилар ва боз устига дарахтларнинг сара, хушманзара навларини танлашга жиддий эътибор қаратилмас эди.

Аксар ҳолатларда ниҳол, бута ва гул кўчатлари қовжираб ётар, кичик ва кўримсиз фонтанчалар эса боғни эмас, балки йўлакларни, қолаверса, ўриндиқларни «суғориш» билан банд бўларди. Негадир атрофдаги панжара-деворлар ва бошқа иншоотларнинг аксарияти қора рангга бўялар эди.

(Давоми 3-бетда)

*Инсон қадри - ҳар нарсадан улуғ*

## ХАЛҚ СОҒЛИҒИ: биргаликдаги саъй-ҳаракат — етакчи омил

***Бир оғиз ширин сўз, меҳр-мурувват, саховатга йўғрилган беғараз кўмак инсонни тубсиз жарликдан олиб чиқишга қодир. Келажакка, эртанги кунга бўлган ишонч билан яшашдан ортиқ бахт борми ахир? Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кегаши томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар ана шу жиҳати билан аҳамиятлидир.***

– Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши тиббиёт соҳасида эзгулик томон қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, – дейди Марказий кенгаш раиси Озода Муҳитдинова. – Зеро ушбу йил Давлат дастурининг вазифалари ва йўналишларида инсон омили асосий мезон ҳисобланади. Вазирлик билан ҳамкорликда тузилган келишувда ҳам жамият ва инсон саломатлиги учун ниҳоятда муҳим бўлган масалалар ва уларни бажариш чора-тадбирлари ўз аксини топган. Унга асосан тиббиёт муассасаларида ижтимоий шерикчилик асосида имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бу йил ходимларга бир қанча қўшимча имтиёзлар жорий этилди. Шу жумладан, кам таъминланган, кўп болали оилалар , ногиронлар, байналмилалчи жангчилар, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, тармоқда меҳнат қилаётган сурункали касалликларга чалинган, иш вақтида шикастланган, касб касаллигига дучор бўлган ходимларга, тиббий ёрдамга муҳтож аёлларга ташкилот ҳисобидан дори-дармонлар учун моддий ёрдам кўрсатиш ва бепул даволаш йўлга қўйилмоқда. Кўп болали аёлларга маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилмоқда. Меҳнат Кодексига биноан уч ёшгача боласи бор аёлларга бериладиган ҳуқуқий имтиёзлар бюджет ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат секторда ҳам жорий этилади. Бундан ташқари, барча соғлиқни сақлаш муассасалари вилоят касаба уюшма кенгашлари ҳамкорлигида тармоқда ишлаётган кўп болали ва ногирон боласи бор аёлларга ижтимоий-иқтисодий муҳофазани кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, моддий ва маънавий ёрдам уюштириляпти.

Сўнгги йилларда тармоқда барпо этилаётган янги, замонавий тиббиёт масканлари, «Она ва бола» скрининг ва реабилитация маркази оммавий тарзда аҳоли саломатлигига йўналтирилган эзгу ишлар самарасидир. Қолаверса, бугунги кунда олис чекка қишлоқларда қурилиб, халқ хизматига топширилган врачлик пунктларининг биноларидан тортиб, шифокорлар кабинетлари-ю муолажа хоналаригача замонавий талабларга жавоб беради. Бундай тиббий марказларда ишлаётган ходимлар республикамиз пойтахти, ҳатто хорижий мамлакатларда билим ва малакаларини ошириб келмоқдалар. Қишлоқ аҳолисининг ана шундай етук мутахассислардан замонавий тиббиёт масканларида малакали тиббий хизмат олаётгани қувончли ҳолдир.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган кенг кўламдаги тадбирлар ижроси учун мамлакатимизда 205 миллиард 213 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу эзгу ишда тармоқ касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб, эл саломатлигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этишмоқда. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ривожлантириш бу борадаги энг долзарб вазифадир. Негаки, тизимда тиббий хизмат қанчалик ривож топмасин, агар одамларнинг ўзига, ўз саломатлигига тўғри ва масъулиятли ёндошув бўлмаса, кутилган мақсадга эришиш қийин. Шу ниятда аҳоли, айниқса, чекка қишлоқ кишилари ўртасида тиббий маданиятни тарғиб этиш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бунинг учун барча соғлиқни сақлаш муассасалари ва касаба уюшма кенгашлари ҳамкорлигида халқнинг тарихий-маданий мероси ва соғлом турмуш тарзи бўйича замонавий фан ютуқларига асосланган анъаналарни, ноёб қадриятлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган тушунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, корхона, ташкилот ва хўжаликларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кўрик-танловлар, учрашув ва кечалар уюштирилиб, барча соғлиқни сақлаш муассаса ва ташкилотларида «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган кўргазмалар, бурчаклар ташкил этилиб, уларда аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган ахборотлар жамланаяпти.

Беморлар ҳуқуқларини таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Яшаш ҳуқуқи эса ҳар бир инсонга дахлдордир. Шу ўринда буюк аллома Абу Али ибн Синонинг қуйидаги сўзини эслаш жоиздир: «Шифокор беморнинг дўсти, раҳнамоси ва ёрдамчисидир». Бу масъулиятли вазифани бажаришдан олдин шифокор мукаммал билим кўникмасидан ташқари меҳр-мурувватли, бемор шахсиятини ҳурмат қилиши, унинг саломатлигини кўзлаб, фидойилик намунасини кўрсатишдек олижаноб фазилатларга эга бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йилдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз аграр соҳасини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ерга бўлган муносабатларда янги тамойиллар жорий этилди. Ширкат хўжаликларида экин майдонларини, боғ ва токзорларни оила пудратчиларига танлов асосида бўлиб бериш амалга оширила бошлади. 2000 - 2003 йилларда 336 та, шу жумладан 11 та туманда ширкат хўжаликлари негизида 20 мингдан зиёд фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга қулайлик яратиш мақсадида 257 та муқобил Машина-трактор парклари, 268 та сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси, 246 та мини банклар, 281 та ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда 274 та минерал ўғит сотиш шохобчалари ташкил этилди.***

## СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ

Фермер хўжаликларини ташкил этиш танлов асосида, ошкоралик таъминланган ҳолда амалга ошириляпти. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларига янада кенг эркинлик берилди. Шу билан бирга ер-сувдан унумли фойдаланиш, шартнома шартларини бажаришда уларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлиги оширилди.

Айнан шулар касаба уюшма ташкилотларини ҳам ишни давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишни тақозо этмоқда. Чунки, тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, улар ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини олиб бориш асосан шу ташкилот зиммасида. Эндиликдаги муҳим вазифа деҳқон, фермер хўжаликлари аъзоларини касаба уюшма аъзолигига жалб этишдир.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, қайси деҳқон, фермер хўжалигида касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлса, шу ерда меҳнаткашлар манфаати қатъий ҳимоя қилиняпти. Бу ҳолатни Бўка туманидаги "Камолот" фермер хўжалиги мисолида ҳам кўрса бўлади. Мазкур фермер хўжалигининг 105 гектар майдони бўлиб, аъзолар сони 66 кишини ташкил этади. Бу ерда касаба уюшма ташкилоти тузилган. Шу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Абдураҳмонов шундай ҳикоя қилади.

- Дастлаб, фермер хўжалиги ташкил этилганда ишлар ёмон кетмади. Лекин ўйлаб қарасак, бизга нимадир етишмаётгандек эди. Ахир инсон фақат иш учун туғилмаган-ку. Ниҳоят аъзоларнинг фикрини инобатга олиб, касаба уюшма ташкилоти тузишга аҳд қилдик. Кўпчилик бир овоздан Жамол Усмоновни ташкилотга раис этиб сайлади. Эндиликда фермер хўжалигимизда соғломлаштириш, меҳнатдан сўнг унумли дам олиш учун қайғурадиган, аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялайдиган ташкилот мавжуд.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мазкур фермер хўжалигида меҳнат қилиш ҳам, дам олиш ҳам рисоладагидек. Ўтган йили улар 13,5 миллион сўм соф фойда олишди. Хўжалик ўз техникасига эга. Ҳар йили камида уч-тўрт киши "Турон", "Чинобод" санаторийларида ҳамда бошқа шифо масканларида ўз саломатлигини тикламоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиляпти.

Лекин, кишини ўйлантираётган муаммолар оз эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2004 йилда Тошкент вилоятида тармоқ бўйича аъзолар сони 2003 йилдагига нисбатан 21 минг 415 тага, бошланғич ташкилотлар сони эса 55 тага камайди. Бунинг асосий сабабларидан бири ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилишидир. Шу боис деҳқон, фермер хўжаликлари аъзоларини касаба уюшмалари сафига жалб этиш учун барча чораларни ишга солишлари зарур эди. Бироқ, вилоятнинг ҳамма жойида имконият тўлиқ ишга солинмаяпти. Дала меҳнаткашлари манфаатини ҳимоялайдиган ташкилот билан уларнинг оралари узилиб қолган. Рақамларга мурожаат қилайлик. Айни вақтда вилоятда касаба уюшма ҳисобида турмаган 1767 та деҳқон, фермер хўжалиги мавжуд. Уларда ишловчилар сони 13 минг 800 нафарни ташкил этади. Айнан Бўка туманида деҳқон, фермер хўжаликларининг 525 таси, Қибрай туманида 205 таси, Янгийўл туманида эса 207 тасида фаолият юритаётганлар касаба уюшма аъзолигига жалб этилмаган. Тўғри, уларнинг айримлари бошқа тармоққа аъзо. Лекич, аксарияти эмас-ку!

Яна бир мисол. Биргина Пскент туманида касаба уюшма ҳисобида турмаган 170 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг 1121 нафар ишловчиси бор. Демак, шунча меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари касаба уюшма ташкилотлари томонидан бериладиган имтиёзлардан фойдаланмаяпти. Мулкдорлар, оддий деҳқонлар билан фикрлашилса шу нарса ойдинлашдики, кўпчилик фермер хўжалиги аъзолари ўзларида бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиши тарафдори. Бироқ, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаларидаги мутасаддилар вақтни бой бериб, лозим даражада ташкилотчилик, қатъиятлик кўрсата олмаяптилар. Иш шу алпозда кетса қанчадан-қанча касаба уюшма аъзолари бой берилади. Кўпроқ одамлар орасида бўлиш, тарғибот-ташвиқот ва кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлиги ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам неча бор айтилган. Қимматли вақт бой берилса, сўнгги пушаймондан фойда йўқ.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЭНГ ОРАСТА ЖАМОА

***Халқ таълими вазирлиги томонидан бежирим ва арзон мактаб формалари яратиш мақсадида мамлакатимиз умумтаълим муассасалари орасида «Энг ораста кийиниш маданиятига эга мактаб жамоаси» кўрик-танлови ўтказилмоқда.***

Гулистон шаҳрида мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан жамоалар иштирок этди. Танлов якунига кўра, Мирзаобод туманидаги 1-мактаб жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Улар танлаган ўқувчилар формаси бежирим, ихчам ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Ғолиб жамоа кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

*Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши диққатига*

***Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан машғул бўлган киши борки, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш касаба уюшма ташкилотининг биринчи галдаги вазифасидир. Эл дастурхонини тўкин қилаётган бободеҳқонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга даъват этилган агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми? Биз бу саволга аниқ-тиниқ жавоб топиш учун жойларда бўлиб, мутахассислар, касабақўм аъзолари билан фикрлашдик.***

## КАСАБАҚЎМ РАИСИ КИМ?

Қаердаги деҳқон меҳнати маҳсулини кўриб, ижтимоий ҳимояга олинса, ўша ерда унумдорлик юқори даражада бўлади, дастурхон ноз-неъматларга тўлади. Ана шу муҳим юмушни жойлардаги касаба уюшмалари вакиллари кўнгилдагидек ташкил этаяптиларми?

Касби туман қишлоқ хўжалик ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришда бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиб келаётган ўзига хос ҳудудлардан. Ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан келаётган мўмай даромад эвазига халқ турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётгани фикримиз далилидир.

Туман агросаноат мажмуи тизимида 24 минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзоси бўлиб, улар 21 та бошланғич ташкилотга бириккан. Хўжаликлар асосан фермерлар уюшмасига айлантирилганлиги боис, ишни ташкил этиш улар зиммасида. Айни пайтда пахта ҳосилини саранжомлаб олиш қизғин давом этмоқда.

Биз агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ботир Исломовни энг олис ҳисобланган Беруний муқобил машина-трактор паркига бирлашган фермерлар уюшмаси даласида учратдик.

Раисдан касаба уюшма ташкилотлари фаолияти, соҳада иш қай даражада ташкил этилаётганлиги ҳақида сўраганимизда, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинганлиги-ю, болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми кўнгилдагидек ўтказилганлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.

– Беруний МТП касаба уюшмаси фаолияти билан танишсак, – дедик раисга юзланиб.

– Ҳозир йиғим-терим қизғин паллага кирган пайт. Касаба уюшма раисини топиш қийин. Қайсидир далада юрган бўлса керак. Яхшиси, бошқа хўжалик билан танишганимиз маъқул. Кўриб турганингиздек ўзим ҳам хашарчилардан хабар олгани келгандим. Очиғини айтганда, топшириқ кўп, вақт эса етишмайди.

Раиснинг «қимматли» вақтини олмаслик учун Беруний МТП касаба уюшма қўмитасига исми-шарифини сўраб олиб, ўзимиз фермерлар билан учрашиб суҳбат қилиш истагини баён этганимизда:

– Касаба уюшма етакчисини топаман, деб вақтингизни ўтказманг, – деди Ботир ака дангалига кўчиб. – Исми янглишмасам Хушвақт эди, фамилияси, тўғриси, эсимда йўқ...

Начора, суҳбатдош билан хайрлашиб, йўлда давом этдик.

Берунийликлар катта меҳнат эвазига юқори ҳосил етиштирганликлари шундоққина кўриниб турибди. Уларни ижтимоий ҳимоя қилишда касаба уюшмаси бош-қош бўлиши керак бўлган бир пайтда, Ботир Исломов айтганидек, касаба уюшма қўмитаси раисини топишнинг иложи бўлмагач, заршуносларни суҳбатга тортдик.

– Касаба уюшмасидан қандай ёрдам, манфаат кўраяпсиз? – сўраймиз Жасур Жуманазаров етакчилик қилаётган «Ўзбекистон» фермер хўжалиги ишчиси Баҳром Жумаевдан.

– Очиғи, тайинли жавоб айтолмайман, – дея жавоб қайтарди у.

– Касаба уюшма қўмитаси раислигини ким олиб боради?

– Касабақўм раиси кимлиги, ишчиларга бирор ёрдам қилганлигини эслай олмайман. Дала шийпонидаги аҳволни кўриб турибсиз. Ўзимиз қўлдан келганча амаллаб турибмиз...

– Касаба уюшма қўмитаси раисининг кимлигини билмайман, – дейди фермер хўжалиги ишчиси Жавлон Жуманазаров. – Ҳали бирор марта ҳузуримизга келган эмас.

– Эсимни танибманки, чўлда ишлайман, – дейди «Санақул бобо» фермер хўжалиги раҳбари Бобоназар Каримов. - 20 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Ғалладан юқори ҳосил олдик. Пахта бўйича шартнома режасини ҳам биринчи теримдаёқ уддалаш ниятидамиз. Лекин касаба уюшмаси фаолияти сезилмаяпти. Маданий-маиший тадбирлар ўлда-жўлда, яхши ишлаётганларни рағбатлантириш, соғломлаштириш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш кўнгилдагидек эмас.

АСМ ходимлари касаба уюшма туман кенгаши раиси Исломовнинг ўзи Беруний МТП касаба уюшма қўмитаси раисини билмагандан сўнг, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин? Сўраб-суриштириб билганимиз шу бўлдики, бу вазифани Ҳушвақт Ҳамроев олиб бораётган экан.

Тумандаги «Назартепа» (собиқ «Наврўз»хўжалиги) МТПда бўлиб, касаба уюшма қўмитаси раиси Абдувоҳид Чориев билан қилган мулоқатимиз бизни ғоятда ажаблантирди.

– 1996 йилдан буён касаба уюшма қўмитасига раҳбарлик қилиб, икки муддат ишладим, – дейди А.Чориев. – 2005 йил бошидаги ҳисобот-сайлов йиғилишида ваколат муддатим тугагач касабақўм раислигига янги етакчи сайлаш лозим бўлса ҳам, тайёр кадр топилмагани учун (?) ушбу вазифа ҳозирча зиммамда қолди...

Ажабо, буни қандай тушуниш керак? Наҳотки шунча одам орасидан касабақўм раислигига лойиқ бир киши топилмаса? Қолаверса, бундай кулгили аҳвол ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга юзаки ёндошилганлигини кўрсатмайдими?

Уюшмада 946 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, 144 та тадбиркор фаолият кўрсатяпти. 2005-2007 йилларга мўлжалланган жамоа келишуви асосида иш олиб бораётган фермерларга наҳотки ишни уддасидан чиқадиган, оёғидан ўт чақнайдиган бирор етакчи топилмаган бўлса?!

Жорий йилнинг шу кунигача атиги бир ишчи санаторийга йўлланма олган бўлса, ўтган 2004 йилда касаба уюшма қўмитаси томонидан умуман йўлланма берилмаган. Бу ерда нечта цех касаба уюшмаси фаолият кўрсатаётганлигини А.Чориевнинг ўзи ҳам аниқ айтиб беролмади. Хайрлашиш олдидан Абдувоҳид ака очиқ бир гапни айтди.

– Касаба уюшмасининг ўзи ёрдамга муҳтож. Ходимлар томонидан мурожаатлар асоссиз равишда қолиб кетаётганлиги ҳам аслида шундан.

Дарвоқе, бу йилги болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумида атиги бир бола «Бобол ота» оромгоҳида дам олдирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Юқоридаги саволларга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раҳбарлари аниқ жавоб берадилар, деган умиддамиз.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Инсон қадри - ҳар нарсадан улуғ*

# ХАЛҚ СОҒЛИҒИ:

## биргаликдаги саъй-ҳаракат — етакчи омил

(Боши 1-бетда)

Фуқаролар соғлиғини сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқларини таъминлаш тиббиёт ходимларининг иқтисодий кафолати, моддий мавқеи ва умуман соғлиқни сақлаш соҳасининг юксак ривожи билан бевосита боғлиқ. Беморларнинг ижтимоий ҳимояси нафақат малакали тиббий хизмат, балки соғлом турмуш тарзи тарғиботи, касалликларнинг профилактикасини йўлга қўйишни тақозо этади. Ҳар қандай шифокорнинг касбий маҳорати ва бурчи, беморга ҳеч истисносиз, кечиктирмай тиббий хизмат кўрсатиш, врач ва бемор ўртасидаги маълумотларни сир сақлаш ва ҳурмат қилишидадир. Шунингдек бемор ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга шифокорнинг ҳам ҳуқуқий манфаатларини унутмаслик керак. Бунинг учун биринчи навбатда уларнинг меҳнат шароитларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз шароитларни яратиш «Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва Меҳнат кодекси асосида мустаҳкамланган. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан тиббиёт муассасалари ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш, уни муҳофаза этишга, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонунларга амал қилган ҳолда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳаво алмаштириш системалари ва техник асбобларни қайта таъмирлаш, иш жойларидаги ёруғлик, чангланиш, заҳарланиш, газ кўрсаткичларини белгиланган санитария меъёрларига келтириш, ходимларни санитария-маиший хоналари ва ускуналари билан таъминлаш каби масалалар жамоа келишувлари орқали ўз ечимини топмоқда. Агар тармоқ муассасаларида меҳнат муҳофазаси учун 2000 йилда 52 миллион сўм сарфланган бўлса, ўтган йили бу миқдор 335 миллион сўмга етди.

Муассасаларда жароҳатланиш, касб касаллигини келтириб чиқарувчи сабабларнинг олдини олиш, ходимларга маиший шароитларни яратишда касаба уюшма кенгашлари, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари ҳамда вакилларининг бу борадаги эътиборини кучайтириш мақсадида республика касаба уюшма Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарори билан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини «энг яхши ташкил этиш» кўрик-танлови эълон қилинган эди. Унда Қашқадарё вилоят 1-шифохона касаба уюшма қўмитаси, вилоят суд-тиббий экспертиза бюросининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили А.Эркаев, Ўрта Чирчиқ туман марказий шифохонасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили О.Нишонбоев ҳамда Хўжайли ва Деҳқонобод туман марказий шифохона касаба уюшма қўмиталари кўрик-танлов ғолиблари деб топилиб, диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, республикада биринчи бўлиб Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан тармоқ касаба уюшмаси ҳамкорлигида 14 та соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ўринлари аттестация қилиниб, тиббиёт ходимларига қўшимча таътил, имтиёзли пенсия ва сут маҳсулотлари ва соғлиғига ҳамда санитария-гигиена меъёрларига жавоб берувчи конституцион ҳуқуқлари амалга оширилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма мутахассислари томонидан меҳнат ҳақидаги қонунлар ва атроф-муҳит муҳофазаси қоидаларига риоя этиш бўйича ўтган йилда 383 та муассасада текшириш ўтказилиб, 3672 та меъёрий қонун бузилишлари аниқланди. Бу борадаги муаммоларнинг олдини олиш учун иш берувчиларга 383 та ёзма кўрсатма берилди.

Тармоқ ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш тажрибасини оммалаштириш, меҳнаткашлар касалланиши олдини олиш мақсадида ўзаро шерикчилик асосида тузилган келишувларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалий тадбирлар дастури тузилган. Маълумки, халқ саломатлигини яхшилашда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, атроф-муҳит тозалиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорликдаги келишувларда бу борадаги ишларни янада кучайтириш режаси ишлаб чиқилди.

Давлат дастурига асосан жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимида улкан ишлар амалга оширилади. Республика тиббиёт марказининг жойлардаги 12 та филиалларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Олий ўқув юртларида хориждан келтирилган ускуналарда ишлай оладиган ва уларни таъмирлайдиган мутахассис кадрлар етиштириш, тез ёрдам станциялари учун 209 та санитария автотранспортлари ажратиш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Тизимдаги мавжуд қишлоқ врачлик пунктларига қўшимча 210 та янги тиббиёт шохобчалари барпо этиш кўзда тутилган. Шунингдек, ҳамкорликдаги келишув ва жамоа шартномалари асосида Ўзбекистон касаба уюшмаларига қарашли санаторийларда 1500 нафар тармоқ ходимлари, ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилакторийларда 200 нафар ходим ва талабалар соғломлаштирилмоқда. Бундан ташқари, болаларни соғломлаштириш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили соҳа ходимларининг 6400 нафар фарзандлари оромгоҳларда ёзги мавсумни кўнгилли ўтказган бўлсалар, бу йил уларниинг сони 9000 нафардан ошиб кетди. Ҳамшираларнинг касб маҳоратини ошириш, ўз ишига масъулиятини кучайтириш, ташаббускор, ширинсўз, меҳр-мурувватли, ишчан кадрларни аниқлаш мақсадида «Ҳамшира-2005» кўрик-танловини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантиришда ҳам тармоқ касаба уюшмалари фаоллик кўрсатмоқда.

Сиҳат-саломатлик соғлом турмуш тарзидан, жисмоний тарбия ва спортдан бошланади. Жамоа келишуви ва шартномаларида тармоқ ходимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш, уни оммалаштириш алоҳида ўрин олган. Тармоқ ходимларини спортга кенг жалб этиш мақсадида «Саломатлик» спартакиадаси, «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» мусобақалари уюштирилмоқда. Қишлоқ жойларида болалар ва ўсмирларни спорт мактабларига жалб этиш сифат ва самарадорлиги оширилаяпти. Тиббиёт ходимлари соғлиғини мустаҳкамлаш ниятида анъанавий «Барчиной», «Алпомиш» мусобақалари босқичма-босқич ўтказилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини кенг жорий этишга киришилмоқда.

Аёллар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам амалий ишлар қилинди. Дастурда белгиланган тадбирлар доирасида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган Аёллар спартакиадасида тармоқ касаба уюшмалари фаол иштирок этди. Тизимдаги вилоят касаба уюшмалари тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Сиҳат-саломатлик йили ва Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган соғлиқни сақлаш ходимларининг V республика Саломатлик спартакиадаси Жиззах вилоятидаги энг сўлим ва баҳаво «Зомин» санаторийсида зўр ташкилотчилик билан ўтказилди. Ушбу мусобақада спортнинг бошқа турлари қатори илк марта миллий кураш бўйича тармоқ ходимлари ўзаро беллашдилар. Ғолиблар тармоқ касаба уюшмасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Ҳамкорликдаги келишувларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга доир тадбирлар ўрин олган. Унга асосан Марказий кенгашда фаолият кўрсатаётган мутахассис ходимлар тиббиёт соҳасига оид барча қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб, тармоқ ходимлари манфаатлари юзасидан тегишли таклифлар киритмоқдалар.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда тармоқ Марказий кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялашда эзгу ишлардан бири ҳисобланади. Зеро, бу икки нуфузли ташкилот фаолиятининг мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқлари ҳимояси, унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазаси ва халқ манфаатлари устуворлигидан иборат. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида кенг қўламли масалалар ҳал этилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Конституцияси ва Қонунлари асосида иш кўриб давлат ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунига амал қилишлари устидан назорат ўрнатиш борасидаги умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб борилмоқда. Мақсадларнинг бундай муштараклиги эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарадорлиги, соҳа ходимларининг инсоний ҳуқуқларини муҳофазалашда кенг имкониятлар яратмоқда. Албатта, бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш ниятида имзоланаётган шерикчилик асосидаги ҳамкорлик дастури аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш, ёшларни ёт таъсир ва ёмон одатлардан муҳофаза қилиш, улар онгу шуурини илм-маърифат нури билан мунаввар этишга қаратилаётгани мақтовга сазовордир. Ҳақиқатда эса саломатлик ҳақида қайғуриш нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки умумхалқ ишига айланиши зарур. Шундагина жамият тараққиёти йўлида ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз янги поғонага кўтарилиб, унинг моддий ва маънавий ҳаётида муҳим босқич бўлади.

**А.ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшма ҳаёти*

***“Сурхонтекстил” ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 1500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчининг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилган, махсус кийим-бош билан таъминланган. Уларга ҳар куни сут маҳсулотлари бериб келинмоқда. Жамиятда фаолият юритаётган кам таъминланган оилалар аъзолари соғлиқларини тиклашлари учун амалдаги жамоа шартномасига асосан жамият ҳисобидан маблағ ажратилмоқда. Бу ерда “Саломатлик” маркази бепул хизмат кўрсатиб келмоқда.***

# ЭЪЗОЗ

Яратилган қулайликлардан яна бири, ишловчиларга ҳар куни 50 фоиз арзонлаштирилган иссиқ овқат берилмоқда. Ишга келиб-кетиш учун махсус транспорт воситаси ажратилган. Бу мақсад учун жамият 11 миллион сўм маблағ ажратган. Шу кунгача 18 нафар ходим жамият ҳисобидан республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида бепул дам олдирилди. 3 нафар ишчининг Пойтахтдаги шифохоналарда соғлиғини тиклаши учун 600 минг сўм маблағ сарфланди.

Меҳр-мурувват кўрсатиш жамият учун анъанага айланган. Ҳар бир байрамда иқтисодий имкониятдан келиб чиққан ҳолда “Кўзи ожизлар” ва “Чернобилчилар” жамиятларига молиявий ёрдам кўрсатаяпмиз. 2005 йилда кам таъминланган ишчи-хизматчи касаба уюшма аъзоларини 1,5 миллион сўмлик матбуот нашрларига обуна қилишга эришдик.

Кам таъминланган, якка-ёлғиз кишиларни, ногиронларни қўллаб-қувватлаш ишлари вакиллигимиз тизимидаги “Хўжаикон туз” ҳиссадорлик жамиятида яхши йўлга қўйилган. Қабул қилинган жамоа шартномасига асосан, 11 нафар болали аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда 1 соатга иш вақти қисқартирилди. Бир нафар ногиронга махсус аравача олиб берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 8 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Б.ҲАМЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Енгил, мебел саноати, коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Сурхондарё вилоят вакиллиги мутахассиси**

## ЗИЁРАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Элликқалъа туман йўл таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси томонидан бажарилаётган иш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Республикамиздаги табаррук қадамжолардан бири «Кечирмас бобо» қабристонига борадиган шохобча йўл қурилиши мустақиллик йилларидаги хайрли ишлардан бири бўлди.

2001 йилда бошланган бу қурилишда шу кунгача 156655,6 минг сўмлик иш бажарилди.

Корхона йўлсозлари бу ерда 37130 метр-куб тупроқ ишларини амалга оширишди. 3,4 километр автомобил йўлига тўлиқ асфальт-бетон ётқизилди, автомашиналар учун тўхташ майдони қурилди, 2 та темир-бетон кўприк тўла таъмирланди, сув ўтказгич қувурлар ётқизилди, йўлни ободонлаштириш ишлари бажарилди. Қолган 26838,7 минг сўмлик иш ҳажми йил охиригача тўла ниҳоясига етказилди. Қисқа фурсат ичида шохобча йўлининг ишга туширилиши минглаб зиёратчиларнинг оғирини енгил қилиши шубҳасиз.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Суратларда: кўприк қурилишидан лавҳалар.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**









## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ШАРОФАТИ

***«Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти Тошкент филиалида ўтган 6 ой мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жамоа шартномасида кўзда тутилган топшириқларнинг аксарияти тўла уддаланди.***

Вилоят почта алоқаси ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун катта миқдорда маблағ ажратилди.

Турли спорт мусобақаларини ўтказишда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси фаоллик кўрсатди.

«Энг яхши хабарчи» танловида эса Ангрен шаҳар почта алоқа тармоғи вакили ғолибликни қўлга киритди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа кўрсаткичлар «Ўзбекистон почтаси» ҳиссадорлик жамияти Тошкент филиали ҳисобот йиғилишида алоҳида тилга олинди.

Қўмита билан вилоят алоқа ходимлари ўртасида тузилган жамоа шартномаси бажарилиши ҳам ижобий баҳоланди.

**А.АКБАРОВ**

***Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш бўйича қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш, акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида вилоятимизда бирмунча ишлар амалга оширилди.***

*Таҳлил*

# АКЦИЯДОР

## УЛАРГА ҲИСОБЛАНГАН ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАНЯПТИМИ?

Рўйхатдан ўтказилган 103 та акциядорлик жамиятларининг 86 таси давлат, 10 таси нодавлат корхоналари негизида тузилган ва 7 таси деҳқон бозорларидир. Устав фондининг умумий миқдори 7 миллиард 367 миллион 56 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, 22 та жамият акциялари чиқарилуви марказ томонидан рўйхатга олинган. Шундан 2 таси ёпиқ ва 20 таси очиқ акциядорлик жамиятлари бўлиб, Низом фондининг умумий миқдори 23 миллиард 618 миллион 299 минг сўмдан иборат.

Бошқа мулк шаклига ўтганлиги учун “Қаршишаробконсерва”, Шаҳрисабздаги 2-механизациялашган кўчма жамланма, “Қарши-2” универсал савдо базаси, “Нишон-132”, Бешкент матлуботсавдо, “Касби-88” акциядорлик жамиятларининг 265 миллион 255,8 минг сўмлик акциялари чиқарилуви бекор қилинган.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларининг бажарилиши мониторинги олиб борилди. Бунинг натижасида “Белибойли”, “Теракли”, “Ҳамкор” акциядорлик жамиятлари банкрот, деб эълон қилинди. 71 тасининг устав фондларини белгиланган миқдоргача ошириш, 217 тасини масъулияти чекланган жамият, 2 тасини хусусий корхонага ўтказиш, 3 тасини қўшиш ва 2 тасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қаршидаги “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бутлаш”, “Махсус қурилиш-монтаж ва таъмирлаш бошқармаси”, “Осиё”, “Яккабоғ-тўқимачилик”, “Шаҳрисабз туман умумий овқатланиш”, Қамашидаги “Тўқбой”, “Деҳқонобод умумий овқатланиш” очиқ акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатмаётганлиги туфайли тугатилди.

Акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ 11 та корхонада текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга 4 миллион 844,7 минг сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилди.

Олиб борилган мониторинглар шуни кўрсатиб турибдики, айрим ташкилотларда умумий йиғилишлар ўтиши тўғрисида акциядорларга вақтида хабар етказилмаган. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси фаолияти талаб даражасида эмас. Ўзининг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи, эмиссиялар маълумот, умумий йиғилиш ўтиши тўғрисидаги хабар, жамият кафилланган шахслари, уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатлари белгиланган муддатларда матбуотда эълон қилиб борилмайди.

Республикамизнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган “Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан ахборотни ошкор қилиш тўғрисида”ги Низом талаблари бузилишга йўл қўйганлиги учун “QARSHIERGOTA”MIR”, Чироқчи пахта тозалаш, “Косон махсус механизациялашган кўчма”, “Нефт ва газ қудуқларини синаш”, “Муборакнефтгазтранс” каби очиқ акциядорлик жамиятларига нисбатан энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида жарима қўлланилиб, қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан кузатув кенгашлари ва бошқарув раисларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларга ҳисобланган дивидендларни тўлаш муҳим вазифа. “Китоб ип йигирув” жамияти йилни 166,5 миллион, “Насафтранс” 7,1 миллион, “Қашқадарёулгуржисавдо” 2 миллион сўм зарар билан якунлаган. 34 та акциядорлик жамиятида олинган соф фойда ўтган йилгига қараганда камайиб кетган. Шунинг учун ҳам 12 та акциядорлик жамиятлари бошқарув раислари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Бироқ, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига нисбатан қўлланилган 113 миллион 404 минг сўм иқтисодий жаримадан 71 та ташкилотдаги 42 миллион 757,7 минг сўми ҳозирга қадар ундирилмасдан турибди.

Республика фонд биржаси орқали умумий акция миқдори 258 минг 829 дона, 675,4 миллион сўмлик 65 та битим тузилди. “Семурғ”, “Нахшаб”, “Тонг” инвестиция фондлари ва депозитарийлар фаолияти анча такомиллашди.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш борасида ҳукуматимиз томонидан барча ҳуқуқий асослар яратилган. Шундан келиб чиқиб, инвесторларнинг қимматли қоғозларга бўлган қизиқишини орттириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилаяпти.

**Ш. МАМАТОВ,**
**Қимматли қоғозлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи**

***Ҳамкасбимизникига меҳмон ташриф буюрган экан, уйига таклиф қилди. Гап гапга қовушиб, анча ўтириб қолдик. Чамаси соат 22.00. ларга яқин кўчага чиқдик. Сал юрмасимиздан уч киши рўбарў бўлди.***

***– Ассалому алайкум, ҳужжатларингизни кўриб қўйсак, – деди улардан бири...***

*Огоҳликка даъват*

# МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ

## Тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўйича Наманган вилояти тажрибасидан

Шеригимнинг сал жаҳли чиққандай бўлди.

– Ўзларинг кимсизлар? – деди норозилигини яшира олмасдан у.

– Хафа бўлманг, акахон, биз маҳалла посбонларимиз. Ҳудудимизга келган бегона кишилар ҳужжатини текшириб юрибмиз. Улар илтимосини бажо келтирганимиздан сўнг биз билан илиққина хайрлашишди.

Шу кунларда Наманган вилоятининг барча туманлари марказларида ички ишлар идораларининг таянч пунктлари ташкил этилган. Барча қулайликларга эга бўлган, замонавий компьютер ва алоқа воситалари билан таъминланган мазкур пунктларда тажрибали зобитлар, профилактика инспекторлари ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспекторлар, маҳалла посбонлари фаолият кўрсатишяпти.

– Андижон воқеалари биз учун ҳам аччиқ сабоқ бўлди, – дейди биз билан суҳбатда вилоят ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Мусохон Оппоқов. – Зеро, қаердаки бўшашувчанликка, назоратсизликка йўл қўйилса, ўша ерда қонун бузилади. Шунинг учун биз ҳудудий милиция таянч пунктларини ташкил этишда маҳаллаларга алоҳида эътибор бердик. Қолаверса, ахир кимнинг фарзанди нима иш билан машғуллигини, тирикчилиги қандай ўтаётганлигини, тарбияси оғир, жиноят қилишга мойил одамни маҳалла фаолларидан кўра яхшироқ биладиган топилармикан?

Бинобарин, маҳалла посбонларини танлашда биринчи навбатда оқсоқоллар фикр-мулоҳазалари эътиборга олинди. Бу иш учун обрўли, яхши фазилатлари билан танилган, қонун талабларидан хабардор ҳамда жисмонан соғлом ва бақувват йигитлар танланди. Улар ўз маҳаллалари ҳудудини айланиб юриб, тартиб-интизом сақланишини таъминлайдилар, бегоналарнинг қандай сабаб билан келиб-кетишаётганликларини суриштирадилар ва рўйхатга оладилар.

Баъзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги оқибатида жиноят кўчасига кириб қолган болаларни аниқлаш, уларни тўғри йўлга олиб чиқишда маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўрни беқиёс. Фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва улар атрофига уюшган маҳалла посбонларининг хизмати катта бўляпти. Улар кечқурунлари болаларнинг кўчада беҳуда ва бемақсад санғиб юришларига йўл қўйишмаяпти. Таълим-тарбия масалаларида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги таянч пунктлари ходимлари ёшларнинг бўш вақтларини бекор ўтказишларига йўл қўймаслик, фойдали соҳалар билан банд бўлишларини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Масалан, А.Воҳидов маҳалла таянч пункти посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан хўжалик бошқарувининг эски идораси қайта таъмирланиб, бу ерда спорт тўгараклари ташкил этилди. Эндиликда юздан ортиқ ёшлар каратэ, бокс, миллий кураш ва бошқа спорт турлари билан шуғулланмоқдалар. Бинонинг бошқа хоналарида хотин-қизлар тикувчилик, матога гул солиш бўйича ҳунар ўрганмоқдалар.

Ўтган даврда ўғрилик, безорилик, оғир турдаги жиноятларнинг фош этилишида ҳам жамоатчиликнинг, чунончи маҳалла посбонларининг кўмаги катта бўлди. Хусусан, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ 70 га яқин жиноят фош этилди. Жиноят қилишга мойил 750 га яқин шахс аниқланиб, улар билан профилактика ишлари олиб борилмоқда.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИСТИҚЛОЛ БОҒЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Табиийки, бундай ҳолат кишиларнинг яйраб дам олишларига, уларнинг кайфиятини кўтаришга мос келмас эди.

Мустақилликка эришилгач, бошқа соҳалар қатори бу соҳага ҳам эътибор кескин ўзгарди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда ҳамда вилоятлар марказларида қатор манзарали ва мевали боғларни ташкил этиш, хусусан уларни сунъий ҳавзалар, каналлар, фаввора ва ҳовузлар билан биргаликда барпо этиш тажрибаси анъанага айланмоқда. Бунда, бир томондан, боғ яратиш санъати борасидаги миллий анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётган бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир жойнинг иқлими, манзараси, шаҳарсозлик ва иқтисодий шароити ҳисобга олинаётир.

Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг ўзида ўнлаб боғларни қайта таъмирлаш ҳамда янгиларини яратиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўтган даврда ана шу лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли бугунги кунда пойтахтимиз дунёнинг гўзал, салқин ва шинам шаҳарларидан бирига айланди.

Шу ўринда шукуҳли хиёбонимиз - Алишер Навоий номидаги Миллий боғда кейинги даврда амалга оширилган реконструкция ишлари ҳақида алоҳида тўхталиш жоиздир. Бу ерда шаҳримизнинг энг катта сунъий ҳавзаларидан бири бўлган кўл қайта таъмирланди, бир неча янги кўприклар бунёд этилди. Кўл ёқасида спорт-соғломлаштириш маркази, шинам қаҳвахона жойлашган маҳобатли кема, ўртадаги оролчада эса чойхона бунёд этилди. Боғнинг аттракционлари, шу жумладан, болалар темир йўли замонавий талаблар асосида қайта қурилди. Боққа кираверишдаги кунгирадор дарвозанинг маҳобати, умуман, бу ердаги жозибали ўзгаришлар киши ҳайратини оширади.

Шаффоф кўл, хушманзара дарахтлар ва ўзбекона чойхоналар дам олувчиларга жуда маъқул келмоқда. Бу мажмуа олдида жойлашган Алишер Навоийнинг виқорли ҳайкали эса ўзига хос ушбу ансамблни янада мукаммаллаштирган.

Истиқлол йилларида вилоятлар марказларида ҳам бири-биридан гўзал ва хушҳаво боғлар бунёд этилди. Андижондаги Боғишамол, Хоразмдаги «Авесто» боғи, Сурхондарёдаги «Алпомиш» боғи, Фарғонадаги Алишер Навоий номидаги боғлар шулар жумласидандир.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик доирасида шаҳар марказидаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида ҳам кенг қамровли реконструкция ишлари давом этмоқда. Аслида ушбу боғни қайта қуриш ташаббуси Ислом Каримов Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаб юрган йиллари илгари сурилган эди. Ўшанда 80 гектардан ортиқ майдонда жойлашган ушбу боғ тўрида учта кўл яратиш, шунингдек, боғни уч хил - спорт-соғломлаштириш, сокинлик ва болалар аттракционлари бўлимларига ажратиб, тартибли реконструкция қилиш, пала-партиш экилган ва қурий бошлаган дарахтлар, чакалакзорларни янгилаб, сара навли дарахт ва буталар билан алмаштириш бўйича кенг қамровли ишлар режасини амалда татбиқ этишга киришилган эди.

Бугун мазкур боғда ана шу ишларнинг аксарияти якунига етган. Ўтган йил кузда ушбу жойга 12 мингта ниҳол ўтказилган бўлса, бу йил яна 20 мингта кўчат экиш режалаштирилган. Шу билан бирга, боғ ўртасида уч минг ўринли амфитеатр қад ростламоқда, болалар темир йўли объектини таъмирлаш ишлари бошланган.

## Самарқанд сайқалига ярашиқли боғ

Президентимиз эътибори билан янгиланган яна бир боғ -Самарқанд шаҳрининг қоқ ўртасида жойлашган Алишер Навоий номидаги Марказий истироҳат боғидир. Ўтган йилнинг ёзида давлатимиз раҳбари бу ерда бўлиб, боғнинг аянчли аҳволи ҳақида куюниб гапирган, мазкур маскан азим шаҳарнинг замонавий қиёфасига мос, Амир Темурдек буюк аждодларимиз шавкатига муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлаб, уни ҳар томонлама обод ва тароватли гўшага айлантириш юзасидан амалий топшириқ ва тавсиялар берган эди.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида анъанавий «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро мусиқа фестивали очилиши маросимида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрган Юртбошимиз ушбу боғда амалга оширилаётган ободончилик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари боғда дарахтларни танлаб экиш, бунда қарағай, каштан каби хушбўй ва хушманзара дарахт навларини саралаб олиш, уларни меҳр-муҳаббат билан парваришлаш зарурлигини уқтирди. Зеро, истироҳат боғида одамларнинг дилини яйратиб, кайфиятини чоғлайдиган, кўнгилли хордиқ олишига замин яратадиган шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

- Мамлакатимиз раҳбарининг тавсия ва йўриқлари асосида ушбу боғда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди, - дейди Самарқанд шаҳри ҳокими Суҳроб Рафиқов. - Аввало, боғ майдони икки баравар, яъни 14 гектарга кенгайтирилди. Боғ ичкарисидаги соф ҳаво ва осойишта муҳитга халал берувчи, режасиз қурилган юздан ортиқ овқатхоналар фаолиятига чек



қўйилди. Боғ атрофи яхлит панжара-тўсин билан ўралиб, тўртта рамзий дарвоза ўрнатилди. Кўл тозаланиб, шаффоф сувга тўлдирилди, унинг суви шаршараларга уланди.

Боғдаги дарахтлар ва майдонларнинг яшил манзараси билан бу ердаги биноларнинг ўзаро меъморий уйғунлиги диққатни тортади. «Мўъжиза» амфитеатри, «Маънавият ва маърифат» маркази биносининг замонавий кўриниши билан арча, қарағай, сарв каби дарахтлар, яшил майдончалару анвойи гулзорлар шакл ва ранг жиҳатидан бир-бирига мутаносиб тарзда барпо этилган.

Боғ ҳудудидаги Офицерлар уйи ва «Шарқ юлдузи» кинотеатри таъмирланди. «Ёшлар уйи» биноси бунёд этилди. Янги гулзорлар яратилиб, атрофига замонавий сувпуркагичлар, равон йўлаклар бўйида қулай ўриндиқлар ҳамда нафис чироқлар ўрнатилди.

Боғда 100-120 ёшли бир қанча ноёб дарахтлар мавжуд. Айни пайтда ана шу дарахтларни эҳтиётлаш чоралари кўрилмоқда, уларнинг ёши ва нави қайд этилган махсус лавҳлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Дам олувчилар учун шахмат-шашка айвончалари, мўъжаз шийпончалар, фаввораларар қурилиши борасидаги ишлар ҳам айни авжида.

Энг муҳими, Самарқанд шароитида айнан қайси дарахтлар экиш мақбул эканига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда, албатта сара навли ниҳолларни етиштириб берадиган питомникларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда Самарқанд давлат университети, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва шаҳар ободончилик бошқармаси қошида сара дарахт ниҳолларини кўпайтириб, уларни тарқатишга ихтисослашган марказлар фаолият бошлади. Айни пайтда Шредер номидаги боғдорчилик институти ва ўрмон хўжалиги мутахассислари шу вазифалар ижроси билан машғул.

Шу ўринда Президентимиз тавсияси асосида бошланган ушбу тажрибани наинки Самарқанд шаҳри ва вилояти, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудлари миқёсида кенг ёйиш зарур эканига эътибор қаратишни истардик. Зеро, бугунги кунда ҳар бир жойнинг ўз иқлим шароитидан келиб чиқиб экиладиган дарахт навларини етиштириб тарқатадиган марказлар, махсус питомниклар ҳамма жойда ҳам мавжуд эмас. Борларининг фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмайди. Хусусан, улар аксарият ҳолларда четдан олиб келинадиган дарахт ниҳолларини жойларга тарқатиш билан кифояланади, холос.

## Дарахтлар - тирик мавжудот

Улар биздек қўл-оёқли, ҳаракатчан эмас, демакки, биз каби сайр-саёҳат имкониятидан маҳрум. Дарахтларда асаб тизими ҳам шаклланмаган, улар дўстларга меҳр-садоқатни, ғанимга эса нафратни биздек дарҳол ва таъсирчан намоён эта олмайдилар.

Аммо дарахтларнинг жонзотлардан фарқли, таъбир жоиз бўлса, афзал жиҳатлари ҳам бисёр.

Жонзотлар асосан табиат бағридаги ўт-ўланлар, бутаю дов-дарахтларнинг илдизи, танаси, барги, гули, меваси билан озиқланувчи «тайёрга айёр» текинхўрлар бўлса, дарахтлар, аксинча, ўз-ўзига ошхона, ошпаз ва хўрандадир. Яъни, дарахтлар ўз танасидаги хлорофилл моддаси ёрдамида фотосинтез йўли билан зарур органик озуқани ўзлари учун тайёрлаб олиш лаёқатига эга.

Бундан ҳам муҳими, жонзотлар, шу жумладан, одамлар ҳам фақат камолга етгунича ўсиш имконига эга экани ҳолда, дарахтлар умр бўйи ўсади, кўкаради.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бир туп ўртача катталикдаги дарахт бир кеча-кундузда уч кишига етадиган кислород чиқаради. Бир гектар жойдаги игнабаргли дарахтлар бир йилда қарийб 40 тонна, япалоқ баргли дарахтлар эса 100 тонначача чангни ютар экан. Дарахтлар, айниқса, оқ акация, арча, қарағай, терак шаҳар шовқинини камайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

- Дарахтлар - хосиятли ўсимлик, аммо боғ саҳнида қуриган дарахт, ҳатто қуриган шох-шаббанинг бўлиши хосиятсиздир, - дейди Самарқанд шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фароғат Шокирова. - Президентимиз тавсияси бўйича боғ, хиёбонларни парваришлашда халқимизнинг ана шу тушунчасига таянилаётгани қувонарлидир. Ҳар бир дарахтни, бута ва гул кўчатини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб, ўз фарзандидек эъзозлаб, иззат қилиб вояга етказиш масаласи боғбонлару гулчиларимизнинг алоҳида эътиборида турибди.

Боғ ҳудудида жойлашган «Ёшлар уйи»да «Машҳура» фирмасининг филиали ташкил этилди. Бу ерда самарқандлик қизлар, ёш келинлар турли либосларни бичиш-тикиш сирларини ўрганаётир.

## «Гоҳ бўстони Дилкушо ичра ...»

Соҳибқирон бобомизнинг гўзал боғ-роғлари, маҳобатли иншоотлари сеҳру сururидан Алишер Навоий ҳазратлари кўп бор ҳайратга тушган, илҳомланган. Зикр этилган мисра Навоийнинг шу мавзудаги дилбар асарларидан бирининг дебочасидир.

Шу жиҳатдан, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Самарқанддаги ушбу боғ Алишер Навоий номи билан аталгани айни муддао бўлди. Шаҳар марказидаги Ўзбекистон ва Мустақиллик кўча-хиёбонлари боғ ўртасида кесишади. Бундай ажойиб меъморий ечим боғнинг энг кўркам ва сокин саҳнида Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаши ҳисобига янада такомилига етди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ёдгорликнинг ўрнатилишини Самарқанд аҳлининг улуғ шоир ва мутафаккирга бўлган юксак эҳтироми ифодаси, дея баҳолади. Зеро, Алишер Навоий ҳаётининг муайян йилларини шу шаҳарда ўтказган, Самарқанднинг деярли барча маданий, маърифий, илмий даргоҳларида бўлган. Айни чоғда, ушбу боғ қад ростлаган заминда ҳазратнинг излари қолган бўлса, не ажаб.

Алишер Навоий бу ерда



нақшбандия тариқатининг муршиди комили Хожа Аҳрор Валий билан учрашади. Улуғбек расадхонасида икки ой давомида фалакиёт, илми нужумдан таҳсил олади. Ислом қонуншунослиги фанининг йирик вакили Хожа Фазлуллоҳ Абуллайс Самарқандий мадрасасида илм ўрганади, алломанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлади.

Буюк шоир Самарқандда кўплаб дўстлар орттиради. У Мирзобек, Мирзо Хожа Суғдий, Ҳаримий Қаландар, Риёзий Самарқандий, Саид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафоий, Шайхим Суҳайлий каби ижодкор дўстлари ҳамроҳлигида Фазлуллоҳ Абуллайсий, Алойи Шоший, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хисрав мударрислик қилиб турган мадрасаларда дарс олиб, суҳбат ва мунозараларда қатнашади.

- Боғнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у буюк зотлар номи билан аталувчи ўн бешта кўчага туташиб кетган, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институтининг маънавият ва тарих кафедраси мудири, профессор Иноятилло Сувонқулов. - Алишер Навоий номидаги кўча Юсуф Ҳамадоний, Ҳусайн Бойқаро, Мирзо Улуғбек, Амир Темур номидаги кўчаларни кесиб ўтади. Шунингдек, Шоҳруҳ Мирзо, Темур Малик, Мироншоҳ Мирзо, Ялангтўш Баҳодир, Абдураҳмон Жомий, Фирдавсий, Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳмуд Кошғарий кўчалари ҳам боғга туташади.

Бу ишларнинг барчаси улуғ аждодларимизнинг Самарқандни том маънодаги яшил шаҳарга айлантириш борасидаги анъаналарига садоқат, хотирасига ҳурмат-эҳтиром далолатидир.

## Сен - бир дарахт, мен - бир дарахт...



Ҳа, дарахтлар ҳам инсонга ўхшайди - жой, муҳит танлайди. Ўзларига кўрсатилган меҳру эътибордан яшнаб, лоқайд муносабатдан эса сўлғинлашади. Мутахассисларнинг айтишича, мабодо айрим мевали дарахт навларининг эркак ва аёл жуфти ёнма-ён экилмаса, улар на гулга кирар ва на мева тугар экан!..

Америка секвояси, гинко, ливан кедри, қрим қарағайи, шойи акация каби ноёб ва хушманзара дарахтлар учун Самарқанд иқлими жуда мос эканини муҳитнинг ўзи исботлаб турибди. Аксарияти Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган ушбу нодир дарахт навлари боғ ва хиёбонларда бемалол, гуркираб ўсаётир.

Тошкентдаги Ботаника боғидан олиб келинган магнолия дарахтининг хусусияти шундаки, у бутун танаси бўйлаб барқ уриб гуллаши ва атрофга ёқимли бўй таратиши билан ажралиб туради. Бундан ташқари, эман, сарв, қрим қайрағочи, томат ҳамда қаҳва дарахтлари Самарқанд давлат университетининг иссиқхоналарида эҳтиёткорлик билан парваришланмоқда.

Мазкур олий ўқув юртининг табиий фанлар факультети декани Худоёр Келдиёровнинг айтишича, Самарқанд шаҳри ва вилоятининг яшилликка бурканишига олий ўқув юрти олимлари ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳисса қўшмоқдалар. Бу борада чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Айни чоғда, она табиатни яшнатиш, дов-дарахт, ўсимликлар ва гулларни асраб-авайлаш фақат шу соҳа мутахассисларининг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак.

Ҳар йили корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар томонидан минглаб туп дарахт ниҳоллари экилади. Лекин уларни гўдакдек парваришлаш зарурлигини негадир кўпинча унутиб қўямиз. Кўчатларни мунтазам суғориб туриш, шамол ва офтоб тиғидан, бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида баъзан ўйламаймиз ҳам. Оқибатда экилган кўчатларнинг қанчаси нобуд бўлади, бу йўлдаги меҳнат ва харажатларимиз чиппакка чиқади.

Ривожланган мамлакатларда ўтказилган ҳар бир дарахтнинг таги юмшатилиб, атрофи махсус панжаралар билан ўраб қўйилади. Буни ота-боболаримиз тажрибасида ҳам кузатиш мумкин. Аждодларимиз ёш ниҳолларни мол-ҳол еб кетмаслиги, қишда совуқ урмаслиги учун одатда тикан-чангаллар, хасхашак билан эҳтиётлаб ўраб қўйганлар.

Дарахт экишдан олдин унинг қандай навини қаерга экиш ҳақида обдон ўйлаб, пухта режалаб олганимиз маъқул. Айтайлик, Самарқанд шароитида дарахтлар қадимий обидалар ҳусн-тароватини тўсмайдиган тарзда экилиши, шунинг баробарида мовий гумбазлар ва атрофдаги ям-яшил манзаралар уйғунлигига эришиш лозим.

Баъзан тарвақайлаб ўсадиган баланд дарахт навлари симёғоч тортилган йўллар бўйида экилади. Оқибатда, кўп ўтмай яшнаб ўсаётган дарахтларнинг тепа қисмини каллаклаб, уларни кўримсиз ҳолга келтириб қўямиз.

Швейцарияда хизмат сафарида бўлиб қайтган ҳамкасбимизнинг сўзларига қараганда, мазкур мамлакатда муайян майдондаги ерга эгалик қилувчи фуқаро, аввало, ер майдонида неча туп ва қандай навдаги дарахтлар бор эканини ҳисоблар, ўз ихтиёрига ўтган ана шу дарахтларнинг пулини тўлар экан. У бошқа бир ҳудудда ўшанча миқдорда ва айнан ўша навларга мансуб дарахт ниҳолларини наинки экиб, айни чоғда, парваришлаб бериш масъулиятини ҳам зиммасига олар, шу йўл билан бу юртда дов-дарахтлар сони камайиб кетмаслигига эришилар экан.

Мамлакатимизда ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ дов-дарахтларни ҳимоя қилиш, табиат муҳофазаси масалалари қонуний кафолатланган. Асосий Қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-моддасида: «Фуқаролар атрофдаги табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дея муҳрланган.

Давлатимиз раҳбари айтганларидек, табиатга меҳр ҳар бир инсоннинг турмуш тарзига айланмоғи даркор. Оила, боғча, мактаб, маҳалла, корхона, муассаса, қўйингки, ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин, кишиларимиз қалбида табиатга меҳр туйғуси уфуриб туриши лозим.

Зеро, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг замирида, аввало, инсон соғлигини таъминлайдиган, кишиларимиз дилини яйратадиган, кайфиятини хушлайдиган, шу жаннатмонанд Ватан фарзандларининг ғурур-ифтихорини оширадиган шарт-шароит яратиш иштиёқи мужассамдир.

Боғи борнинг бахти бор, дейдилар. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб истиқлол боғлари бунёд этилиб, чаманзорлар, гулзорлар кўпаяётгани халқимизнинг толеи офтобдек порлаётганидан, юртимиз тобора обод бўлиб бораётганидан далолатдир.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ОҚГУЛ ВА ДЕНИС - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

***Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида бир ҳафта давом этган теннис бўйича Осиё чемпионати муваффақиятли якунланди. Осиё тенниси тарихида илк бор кетма-кет тўртинчи маротаба серқуёш юртимизда ташкил этилган қитъа чемпионатида Ўзбекистон, Хитой Тайпейи, Таиланд ва Жанубий Корея теннисчилари маҳорат, тажриба бобида бошқа мамлакат вакилларидан устун эканини намойиш қилди.***

Хотин-қизлар ўртасидаги яккалик беллашувларида Ўзбекистоннинг биринчи рақамли ракеткачиси Оқгул Омонмуродованинг ўйини кўплаб мухлису мутахассисларга манзур бўлди. Аслида умидли спортчимиз ўз иқтидорини 2003 йилги Осиё чемпионатида намоён қилган эди. Ўшанда Оқгул ярим финалгача етиб борган эди. Бу гал чемпионатни иккинчи босқичдан бошлаган ҳамюртимизга ҳеч ким етарли қаршилик қилолмади. Моҳир спортчимиз финалгача Анкита Бхамбри (Ҳиндистон), Винг Чан (Сянган) ҳамда Шихо Хисаматсу (Япония) каби кучли теннисчиларни мағлубиятга учратди.

Хитой Тайпейи вакили Су Вей Хсиехга қарши ўтказилган финал учрашуви Оқгул Омонмуродова учун омадли бошланди. Ўзбекистонлик теннис устаси, рақибаси жиддий қаршилик кўрсатганига қарамай, биринчи сетни 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Иккинчи сетда тайпейлик теннисчи ҳам Тошкентга бежиз келмаганини исботлашга уринди ва 6:3 ҳисобида Оқгулдан устун келди. Ҳал қилувчи учинчи сетда Оқгул Омонмуродова 6:4 ҳисобида зафар қучиб, Осиё чемпиони, деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Осиё чемпионатининг эркаклар ўртасидаги финал ўйини ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Мусобақанинг энг кучли теннисчиси Данаи Удомчоке (Таиланд) билан куч синашган ўзбекистонлик Денис Истомин биринчи сетни 4:6 ҳисобида бой бериб, мухлисларини хавотирга солиб қўйганди. Бироқ, мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси иродали ўйин намойиш қилиб, кейинги икки сетни 6:2, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

Энди Денис Истомин Оқгул Омонмуродова билан бирга келаси йилнинг бошида «Катта дубулға» туркумига кирувчи энг нуфузли тўртта турнирнинг дастлабкиси - Австралия очиқ чемпионатида Осиё чемпиони сифатида иштирок этади.

Жуфтлик беллашувларида Мурод Иноятов билан бирга ўйнаган Денис Истомин чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Умидли теннисчиларимиз ўтган йилги чемпионатда биринчи ўринни эгаллаганди. Бу гал асосий учрашувда ҳамюртларимиз мусобақанинг биринчи рақамли жуфтлиги - Роҳан Бопанна (Ҳиндистон) ва Алексей Кедрюк (Қозоғистон) билан куч синашди. Финал ўйинини 6:4, 4:6, 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган вакилларимиз кетма-кет иккинчи маротаба Осиё чемпиони бўлди.

Хотин-қизлар ўртасидаги жуфтлик беллашувларида тайпейлик теннисчилар Чин Вей Чан ҳамда Су Вей Хсиех Жанубий Кореядан келган Йе Ра Ли ва Ми Лю дуэтини 7:5, 4:6, 6:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Шундай қилиб, 33 маротаба ўтказилган Осиё чемпионати муваффақиятли якунланди. Мусобақа қитъамизда спортнинг энг жозибадор турларидан ҳисобланган теннис жадал ривожланаётганини ва Оқгул Омонмуродова, Денис Истомин, Су Вей Хсиех, Данаи Удомчоке каби келажаги порлоқ ракетка усталари вояга етаётганини кўрсатди.

**(ЎзА)**

## БУЮК МУСАВВИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган Беҳзод даврига оид ноёб қўлёзма асарлар, уларга ишланган миниатюралар билан танишиш мумкин. Унда миниатюра санъатининг монументал ва дастгоҳли тасвирий санъат йўналишларига таъсири акс эттирилган асарларга ҳам кенг ўрин олган.

Алишер Алиқулов, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Тоир Болтабоев, Ғайрат Камолов, Хуршид Назиров каби мўйқалам соҳибларининг асарлари юртимизда Камолиддин Беҳзод анъаналарининг муносиб давомчилари ижод қилаётганидан далолатдир.

## «SAHOVAT-NON» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорларнинг 2005 йил 8 августда ўтказилган навбатдан ташқари Умумий Йиғилишининг муҳим фактлари тўғрисида ахборотнома.**

**Маълумот тартиб рақами – 07.**

**Акциядорларнинг рўйхатини тузиш санаси тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана** – 4 июл 2005 йил.

***Акциядорлар рўйхати тузилган сана*** *– 5 июл 2005 йил.*

**Маълумот тартиб рақами – 09**

*Умумий йиғилишнинг қарори.*

***Умумий йиғилиш тури:*** *навбатдан ташқари.*

***Умумий йиғилиш ўтказиш шакли:*** *очиқ.*

***Ўтказилган вақти:*** *8 август 2005 йил*

***Умумий йиғилиш ўтказилган манзил:*** *Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги 1 мавзе, Проектная Г-35 кўчаси.*

*Ўтказиш вақти 10.00.*

***Умумий йиғилиш кворуми*** *– 71120 та оовз – 98,8 %*

*Жамият Устав жамғармаси: 72000000 сўм. Овоз берувчи акциялар сони – 72000 дона.*

**Умумий йиғилишда кўрилган масалаларга овоз бериш натижалари:**

*1.Очиқ акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга ўтказиш ҳақида.*

*Ёқладилар: рози – 71120 та овоз, қарши – йўқ, бетараф – йўқ.*

*1. «SAHOVAT-NON» очиқ акциядорлик жамиятини «SAHOVAT-NON» масъулияти чекланган жамиятга ўтказилсин.*

*1.1. «SAHOVAT-NON» масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш ва кун тартибини белгилаш «SAHOVAT-NON» очиқ акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг зиммасига юклатилсин.*

*1.2.Бир ой ичида «SAHOVAT-NON» масъулияти чекланган жамиятнинг Устав ва Таъсис шартномаси ишлаб чиқилсин.*

*1.3.Жамият кредиторларига «SAHOVAT-NON» очиқ акциядорлик жамияти «SAHOVAT-NON» масъулияти чекланган жамиятга ўтиб фаолият юритиши тўғрисидаги хабар «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси орқали 2 ой ичида мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида эълон берилсин ва Ҳамза туман Ҳокимиятига ва Давлат солиқ инспекциясига жамиятда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида хабар берилсин.*

***Кузатув кенгаши***

## ЯНА БИР ГУЗАР

***Янгиер шаҳрининг «Бинокор» маҳалласида барча қулайликларга эга бўлган маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.***

Унда савдо растаси, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, телерадио устахонаси, компьютер хонаси, тикув цехи, китоб дўкони фаолият кўрсатади. Спорт майдончаси ҳам маҳалла болалари ихтиёрида.

Гузар очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда бунёдкорлик ишларига, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилаётгани ҳақида гапирдилар.

1.Жамиятнинг биринчи ярим йилликдаги фаолияти натижалари ҳамда иккинчи ярим йил учун истиқболлари акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин;

2.Корхоналар томонидан «TOSHUYJOYLOYIHA» ОАЖига молиявий ёрдам кўрсатиш юзасидан қилинган мурожаатлар кўриб чиқилсин;

3.Кузатув кенгаши аъзоларини тақдирлаш тўғрисидаги масала Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилсин;

4. «TOSHUYJOYLOYIHA» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **2005 йил 15 сентябрда соат 10.00. да** Жамият биносида қуйидаги кун тартиби билан чақирилсин:

**Кун тартиби:**

1. «TOSHUYJOYLOYIHA» ОАЖ бошқаруви раисининг Жамиятнинг 2005 йил биринчи ярмидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботи ва иккинчи ярим йилликдаги истиқболлари тўғрисида;

2.Корхоналар томонидан «TOSHUYJOYLOYIHA» ОАЖига молиявий ёрдам кўрсатиш юзасидан қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш тўғрисида;

3.Кузатув кенгаши аъзоларини мунтазам тақдирлаб бориш тўғрисида;

5.Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини акциядорлар реестрининг 2005 йил 7 сентябр ҳолатига тузилсин;

6.Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида белгиланган тартибда акциядорларга хабар бериш ва матбуотда эълон қилишни Жамият бошқарувига юклатилсин.




Беруний туманидаги 59-мактабда ўқув-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилиши билан бирга ўқув даргоҳида реконструкция ишларини амалга ошириш, инфратузилмани шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, синфхоналари ҳашар йўли билан гўзал ва шинам ҳолатга келтирилди. Қўшимча синфхоналари ишга туширилиши муносабати билан янги ўқув йилидан бошлаб дарслар тўлиқ бир сменага ўтказилди.

Туман ҳокимлигининг яқиндан берган ёрдами туфайли спорт зали шиферланмоқда. Қозонхона ва иситиш тармоқлари ремонт қилинди. 200 метрлик сув қувури тортилиб, мактаб ҳовлисида тоза ичимлик суви оқа бошлади.

**Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган сурат**

*Чимдим ҳангомалар*

# БАТОШЛИКЛАР

***Батош қишлоғи, хусусан батошликлар ҳақида Қашқадарёда билмайдиган инсон кам топилса керак. Батошликлар кулгу деса ўзларини жардан ташлашдан ҳам тойишмайди. Қочириқ, кинояларга уста, ҳазил-мутойибага ўч, сертабассум одамлар. Улар қаричлаб ўлчашганида калта гапни энидан, дароз гапни бўйидан уришмайди. Гапни лофлаб семиртиришмайди, қоплаб кемиртирмайди. Ғадир-будир сўзларни рандалаб, озроқ сатира, сал юмор қўшиб, сайқаллашади, холос.***

***Хуллас, батошликларнинг чимдим ҳангомалари сизларга ҳавола.***

Батошликлар тунда келган меҳмонга алоҳида эътибор беришади. Электр чироқ тўсатдан ўчиб қолса, меҳмонни зериктирмайлик дейишиб ўзаро бир-бирларини гурс-гурс ура бошлашади. Эҳтиёт шарт.

- Меҳмонжон, қаердасиз? Овоз чиқаринг! Тағин адашиб уриб қўймайлик, деб огоҳлантиришади.

Қолгани меҳмоннинг фаросатига боғлиқ.

* * *

Ҳозирги пайтда батошликлар тарозигаям, унинг тошигаям умуман ишонишмайди. "Харидорлар ҳақига хиёнат қилганимиздан кўра ўлганимиз яхши" дейишиб, бозорда тариқни ҳам доналаб сота бошлашди. Бу дунёда инсоф йўқ, деганлар батошликлардан харид қилишсин.

* * *

Батошликка савол беришди:

- Ит одамнинг дўсти бўлса, нега итфеъл одамларни ёмон кўрамиз?

Батошлик жавоб қилди:

- Чунки, улар ҳақиқий ит эмас-да.

* * *

Бир батошлик чавандоз отчопарда "қиз қувди" мусобақасида қатнашибди. У шижоат билан отини чоптириб кетаётган қизга етай-етай деганда от жиловини кескин бурибди-да, орқасига қайтибди. Бу ҳолатдан таажжубланган батошлик ишқибозлар:

- А-а-а, э-й-й! Ҳой фалонча! Нега охиригача қувмадинг? Етганингда яхшилаб мўччи олардинг, - дейишса,

- Э-э-э, нимасини ўпаман! Қувлаганим, аёл кийимидаги эр-р-как экан, - дебди ҳансираб.

* * *

Илгари, батош қишлоғида бир ашаддий мол ўғриси яшаган экан. Кунлардан бир кун уни қишлоқ аҳли инсофга чақирмоқчи бўлишиб:

- Ёшлигингизда товуқ ўғирлаганингиз эсимизда. Қўй ўғирлаганингизда огоҳлантирувдик. От ўғирлаб қамалиб чиқдингиз. Ёшингиз бир жойга бориб қолганида туя ўғирлаганингиз нимаси? - дейишса. Ҳалиги ўғри эснаб:

- Қишлоқларингда фил бўлмаса нима қилай, - дермиш.

* * *

Пахта бўйича келган комиссия батошлик фермерни роса саволга тутибди:

- Нега пахта далаларингизни бегона ўт босиб кетган? А...

- ...

- Қайта сўраяпман?! Нега бегона ўт босиб кетган?!!

- Аҳ, катта баво-ей! Таниш ўтни қаердан топай, - дермиш фермер қўл қовуштириб.

* * *

Бир батошлик сартарошни узоқ қишлоққа ишга юборишган экан. У уч кун ўтмасдан қайтиб келибди:

- У қишлоқда ўлсамам ишламайман!

- Нега ишламайсиз?

- Тушим йўқ.

- Нега?

- Мижоз йўқ.

- Нега мижоз йўқ!

- Э-э-э, нега, нега дейсиз. У қишлоқни кал босган экан.

**Эгамберди ҚУДРАТОВ**

*Билиб қўйган яхши*

# КОНИ ФОЙДА

**КАРАМ.** Карамнинг шираси ё қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайқаса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Уни ейилса овоз тозаланади. Сариқ йўнғичқа уни ва кунжут билан аралаштириб тайёрланган қуюқ суртмаси подаграга ва бўғинлар оғриғига фойда қилади. Қайнатмаси ва уруғи бошнинг қасмоғига фойда қилади, карам ширасини бурунга юборилса, мияни тозалайди. Агар баргини ҳомлигича сирка билан қўшиб ейилса, талоқ касалига учраганларга фойда қилади.

**ЛАВЛАГИ.** Лавлагини қайнатиб шишларга боғланса, уларни шимилтиради ва пиширади. Лавлагининг шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилганга ва «тулки касали»га фойда қилади. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб, кейин лавлагининг баргини қўййиб боғланса, сепкилни кетказади. Баргнинг сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради ва битларни ўлдиради. Лавлаги баргининг қайнатилгани оловдан куйганга яхши таъсир қилади, асал билан қўшиб суртилса, темираткига фойда қилади. Сувини илитиб қулоққа томизилса, оғриғини босади. Суви билан бошни ювилса, бошдаги кепакни кетказади.

**ПИЁЗ.** Қизили оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Қуритилгани ҳўлига қараганда ва хоми қовурилганига қараганда ўткирроқдир. Пиёзли шўрва пиёзсиз шўрвага қараганда қоринни камроқ дам қилади. Айниқса ейиладиган пиёз турли сувларнинг зарарини қайтаради. Юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради. Суви бурунга юборилса, бошни тоза қилади. Бош оғирлашганида, қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади. Ейиладиган пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга оқ тушгани (катаракта)да фойда қилади. Кўзни равшан қилади. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруғи асал билан қўйилади. Пиёз суви асал билан ишлатилса, томоқ оғриғига фойда қилади.

**САРИМСОҚ.** Унинг қайнатилгани ва қовурилгани тиш оғриғини босади. Пишириб ишлатилса, овозни ва томоқни тозалайди, эски йўталларга ва совуқдан бўлган кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар унинг кулини асал билан қўшиб доғга ва кўз остидаги қонталашларга суртилса фойда қилади.

**САБЗИ.** Зотилжам ва давомли йўталга фойда қилади. Ҳазми қийин, мураббосининг ҳазми эса енгилдир. Сабзи, айниқса, ёввойи сабзи ичак оғриқларини босади.

**ТУРП.** Унинг энг кучли нарсаси уруғи. Пиширилганининг озиқлиги кўпроқ. Унинг қайнатилгани эски йўталга фойда қилади. Овқатдан кейин ейилса, ични юмшатади ва овқатни ўтказади. Сирка билан аралаштирилган уруғи қаттиқ қустиради. Турпнинг барги ва баргининг суви жигардаги тиқилмаларни очади ва сариқ касаллигини йўқотади. Уруғи эса қориндаги елни тарқатади, овқатнинг чиқишини осонлаштиради, иштаҳани очади ва жигар оғриғини қолдиради.

**Н.СОЛИҲОВА тайёрлади**

*Бизнинг мусоҳаба*

# НАЗОКАТ ТИМСОЛИ

***– Спорт менинг ҳаётим. Инсон маънавий мукаммаликка спортга меҳр қўйиш орқали эришади. Айниқса, кейинги пайтларда спортга бўлган эътибор юқори нуқтасига чиққан бўлган бир пайтда мен қандай қилиб четда тураман, – дейди Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг спорт ишлари бўлими бошлиғи Мухтасар Абдураҳмонова.***

***Биз спорт ҳаётининг мазмунига айланган Мухтасар Алимовна билан ижобий ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида суҳбатлашдик.***

Кейинги йилларда спортчи аёлларимиз эришаётган ғалабалар қувонарли бўлмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. Ҳали оҳори тўкилмаган янгиликдан сизни хабардор қилсам. Жорий йилнинг 19-25 август кунлари Бангкокда (Таиланд) сузиш бўйича IV – Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Япония, Гангконг, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Макао, Сингапур, Тайланд, Вьетнам каби давлатларнинг синхрон сузиш бўйича спортчи қизлари иштирок этган мусобақада, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари фахрли иккинчи ўринни эгаллаб қайтдилар.

**– Агар мумкин бўлса, бу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз?**

– Мамлакатимизда синхрон сузиш спорт тури жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу спорт турини кенг оммага етказиш ва тараққий эттиришга бевосита ҳиссаларини қўшаётган ҳамкор ташкилотлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон синхрон сузиш терма жамоаси аъзолари Корея, Испания, Россия, Таиланд, Исроил, Япония, Австралия, Греция каби давлатларда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, республикамиз обрўсини муносиб ҳимоя қилиб келмоқдалар. Шу билан бир қаторда пойтахтимизда ҳар йили Маркказий Осиёда ягона бўлган анжуман – халқаро «Сув париси» турнирини ўтказиш анъанага айланган. Синхрон сузиш спорт тури айнан қизлар учун мослиги, ўзида бир неча спорт турларини мужассамлаштиргани, яъни сувда сузиш, сув остида сузиш, сувга сакраш, акробатика, бадиий гимнастика ва хореография турларини ўз ичига олганлиги бу спорт турининг нақадар нафислиги ва жозибадорлигидан далолатдир. Ушбу спорт тури фарзандларимизни соғлом, юксак дидли, маданиятли бўлиб вояга етишларига замин яратса, ижро услубларининг мафтункорлиги эса унга бўлган қизиқишни янада оширади.

– Жорий йилда Чирчиқ шаҳрида илк бор республика аёллар спартакиадаси бўлиб ўтди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳамда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида хотин-қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилганлигидан хабарингиз бор. Белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ва ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан биринчи маротаба республика Касаба уюшмалари Федерацияси Марказий кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Тасвирий ойина», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон хотин-қизлар спартакиадасини ўтказиш бўйича қўшма қарор қабул қилинди. Спортнинг енгил атлетика, волейбол, стритбол, сузиш, шашка, шоҳмот, стол тенниси ва арқон тортиш турлари бўйича республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 378 нафар иштирокчи ўзаро куч синашдилар.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган аёллар спартакиадаси илк маротаба дунё бўйича бизнинг мамлакатимизда бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг асосий қисмини ўзбек аёллари ташкил этиши эса уларнинг дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлардан далолатдир. Қолаверса, ўзбек аёлининг спорт билан ҳамнафас бўлиши аввало соғлиқ, дўстлик, мулоқот, тажриба алмашиш ва кучли иродага йўналтирилган аниқ мақсаднинг борлиги, соғлом оила, фарзанд, соғлом келажакни яратишга бўлган ҳаракатининг мавжудлигидир.

**– Сиз фаолият нуқтаи назаридан хорижий давлатларда ҳам бўлиб малака ошириб қайтган экансиз. Хориж аёллари билан ўзбек аёллари ўртасида айнан спорт йўналишидаги фарқлар қай даражада деб биласиз?**

– 2005 йил 14-18 май кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида Гимнастрада бўйича фестивал-семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда 16 та давлатдан ташриф буюрган 1500 нафар иштирокчи қаторида мен ҳам иштирок этиб, Гимнастрада Федерациясининг президенти бош котиби ва аъзолари билан учрашиб келгусида ҳамкорлик ва 2007 йилда бўлиб ўтадиган фестивалда Ўзбекистон давлатининг иштирок этиши каби масалалар келишиб олинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида ҳам бўлиб, элчи Исан Мустафен билан суҳбатлашилди. Биласизми, Германияда бўлганимда ҳам, Англияда бўлганимда ҳам аёллари бизникича фариштадек дилбар ва назокатли юртни ҳеч қаерда топиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Спортга келсак, хориж аёллари кундалик ҳаётнинг маълум қисмини спортга, сайр-саёҳатга, жисмоний машқлар бажаришга ажрата олар эканлар. Албатта, уларда ҳам уй юмушлари, оила ташвишлари, ишдаги муаммолар йўқ эмас, лекин ўшандай ташқи чарчоқларни спорт орқали енгишга ҳаракат кучли экан.

Тўғри, бизларда ҳам ўз турмуш ташвишларидан ортиниб спорт билан ҳамроҳ аёлларимиз талайгина. Масалан, Андижон шаҳрида табаррук 63 ёшни қаршилаган Фотимахон ая Шамсутдинова спортнинг теннис турига қизиқадилар. Шу табаррук ёшда ҳар тонг умр йўлдоши Рустамжон домла билан набираларини машинага солиб теннис кортига борадилар. Эрталабки хуш кайфият билан мириқиб теннис ўйнайдилар. Бир неча йиллардан буён бу ҳол ҳар тонг такрорланади. Фарзандлар ҳам, набиралар ҳам бунга ўрганиб қолишган. Бирор кун машқларни қолдирмайдилар. Ҳайратланарлиси, 63 ёшли онахонга сиз нари борса 40 ёш баҳо берасиз. Мана спортнинг кучи, қудрати!

**– Мухтасар опа, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси спорт тадбирлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.**

– Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан йил бошида республика Миллий Олимпия қўмитаси қошида «Аёллар ва спорт» комиссияси ташкил этилди. Шундан бошлаб кўплаб спорт тадбирлари ўтказилди ва ўтказилмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Спешл Олимпикс ташкилоти билан ҳамкорликда 17-19 март кунлари Қорақалпоғистон республикаси Хўжайли туманида жойлашган ақли заиф болалар интернатига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат сафари ташкил этилди. 18-20 май кунлари «Салоҳиятли донорларни жалб этиш» мавзусида конференция-семинар ўтказилди. Касб-ҳунар таълими талаба қизлари ўртасида 8-март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республика бўйича 1-босқичда 139948 нафар қизлар иштирок этди. «Оила куни» муносабати билан эса «Отам, онам ва мен спортчилар оиласи» оилавий спорт марафони ўтказилди. Натижалар эса ўтган йилга нисбатан анча юқори бўлди. Яъни, 2004 йилда 251160 нафар оила иштирок этган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 293291 тани ташкил этди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда 21-23 июн кунлари 1992 йилда туғилган ва ундан катта ёшлилар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мусобақада республиканинг 8 вилоятидан 80 нафар қизлар иштирок этдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими муассасаларида дарсдан ташқари жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб келаётган ўқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда спортга бўлган эътибор юқори эканлигини кўрсатади. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим мутасадди раҳбарларимиз жойларда спортга, спортчиларимизга, уларга яратилаётган шарт-шароитларга панжа ортидан қарамоқдалар.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида синхрон сузиш бўйича бассейнлар таъмирталаблиги ва ҳатто жойларда умуман йўқлиги, спортчиларга шарт-шароитлар яратишда сансалорликка йўл қўйилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳатто ғолиб спортчилар учун ажратилган стол тенниси анжомини республикадан олиб кетилишига кўмак берилмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ваҳоланки етарлича эътибор қаратилмаган вилоят спортчилари орасидан эртага Олимпиада чемпионлари чиқиши ҳеч гап эмас.

Излаган ҳамиша имкон топади. Изламаган одамгина баҳона қидиради. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай шароитда ҳам элим деб, юртим деб яшайдиган аёл аввало ватанига, халқига муносиб ўғил-қизларни тарбия қилиши, оилада соғлом муҳитни яратиши, маҳаллада ташкилотчи, жамиятда ташаббускор бўлмоғи лозим.

**Суҳбатдош: Феруза ОРИПОВА**

# МАЪРИФИЙ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Япониядаги Веседа университети ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик самарали бўлмоқда. Ана шу яқин алоқа натижаси ўлароқ бир йиллик ўқув-алмашув дастури ҳам юзага келди.***

*Ушбу келишувга биноан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 100 га яқин ўзбекистонлик талаба ёшлар ўз билимини оширди. Машғулотлар олий ўқув юртнинг жаҳон тиллари кафедраси ҳузурида фаолият кўрсатаётган япон тили ва маданияти марказида ташкил этилди.*

*Олий ўқув юртнинг ўнга яқин талабаси Веседа университетида таҳсил олиб қайтди.*

**А.АЛИЕВ**

*Бор бўл, оқибат!*

# ҲОМИЙЛАР ҲИССАСИ

***Ёш авлоднинг қулай ва замонавий жиҳозланган ўқув хоналарида таълим олишини таъминлаш соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор жиҳатидир. Вазирлар Маҳкамасининг "2004 - 2005 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз бўйлаб изчил ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги бу борада амалий аҳамият касб этмоқда.***

Қизилтепа туманида таълимнинг илк ва муҳим босқичи ҳисобланган мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг қиёфасини, қолаверса, таълим-тарбиянинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ўқувчиларга талаб даражасидаги биноларда билим беришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, тумандаги 31-мактабда капитал реконструкция ишлари бажарилиб, мазкур ўқув йили учун 180 ўринли қўшимча бино ва янги спорт зали фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик юмушларини пудратчи "Бинокор" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа вақтда амалга оширишди. Шунингдек, 20-мактабнинг 240 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали тўлиқ капитал таъмирланди. Мактаб ҳудуди ободонлаштирилиб, йўлакларга қайта асфальт ётқизилди. Файзулла Хўжаев номидаги мактабда эса иситиш тизими, пол ва эшик-деразалар, бинонинг томи таъмирдан чиқарилди.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлашда ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Хусусан, "Бухоро" ширкат хўжалиги 20- ва 33-мактаблар таъмири учун 11 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, "Қуйимозор" деҳқончилик хўжалиги 2-мактаб таъмирига 12 миллион сўм ажратган бўлса, "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги 13-мактаб иситиш тизимини соз ҳолга келтириш мақсадида 3 миллион сўмлик ҳомийлик кўмагини амалга оширди.

Халқ таълими бўлими тасарруфидаги барча умумтаълим мактабларида жорий таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек бажарилди. Бунда оталиқ ташкилотлар, педагогик жамоалар ва ота-оналар фаоллиги жуда асқотди. Айниқса, 3-, 14-, 27-, 32-, 5-, 18-, 15-мактабларда бу борада уюшқоқлик кўрсатилганлиги кўзга ташланди.

**Т.ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири**

***Куни кеча Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри ўзининг 76-мавсумини В.Сергеев либреттоси асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Анвар Эргашев саҳналаштирган 2 қисмдан иборат "Хумо" афсонавий эртак балет асари премьераси билан бошлади.***

# ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Янги саҳна асари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Хумо - сеҳрли паризод-қуш, гўзаллик, бахт ва муҳаббат тимсоли, Заргар - тоғлик йигит, Зулайҳо - қиз-қуш, Хорун-Халиф - золим ва маккор ҳукмдор, Қаландар-Дарвеш каби образлар истеъдодли санъаткорлар - А.Бабаджанова, З.Микеладзе, Н.Ҳамраева, В.Геллертов, А.Шелберкин ижросида тўлақонли очиб берилди.

Асарни саҳналаштиришда постановкачи-хореограф, Грузия халқ артисти Г.Алексидзе, постановкачи-рассом - Грузияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю.Гегешидзе ва костюмлар бўйича рассом - "Олтин Хумо" лауреати К.Якубоваларнинг хизмати катта бўлди.

**Р. ОРИПОВ**

*Спорт оламида*

*Каратэ*

## ОЛТИН МЕДАЛ УЗОҚ ШАРҚҚА КЕТАДИМИ?

Жаҳон чемпионати россиялик спортчиларнинг тўла устунлиги остида ўтмоқда. Ғолибга уй деворлари ҳам қарашиб юборади, деганларидек Лужникида давом этаётган каратэ баҳсларининг битта вазнидагина япониялик Мацуде Кадзуе Москвадан Узоқ Шарққа олтин медал билан кетиш имкониятига эга. Енгил вазнда иштирок этаётган меҳмон Рустам Алакаевдан ҳар жиҳатдан устун эканлигини амалда исботлай билди.

Қолган вазнларда, юқорида айтиб ўтганимиздек, майдон эгаларининг қўли баланд келди. Эдгар Затикян муросасиз олишувда Эмил Джафаровга ютқазган бўлса, Арсен Хочатрян эса Шамсуддин Абдурашидовга қанчалик қаршилик кўрсатмасин, охир оқибат енгилганини тан олди. Ўрта вазнда қатнашган Расим Самедов ва Роман Лагутин ўртасидаги беллашувда Расимнинг қўли юқорига кўтарилди. Ниҳоят, Тимур Гасташев ва Сергей Мелюк жуфтлигида ғолиб махсус тахталардан қанчаси синдирилганлиги ҳисоб-китоб қилинишигача етиб борди. Мелюк ғалаба қозонди, деб топилди. Ярим финалда, шунингдек, Сергей Осипов соф ғалаба билан япониялик Фудзин Юскени таслим этди.

*Теннис*

## ШАРАПОВА – БИРИНЧИ

Америкалик Линдсей Дэвенпорт АҚШ очиқ чемпионатида ўтган йилги натижасини ҳам такрорлай олмади. Шу боис у очколардан маҳрум бўлди. Бу эса Мария Шараповага яна дунёнинг биринчи ракеткаси бўлиш имкониятини берди.

Учинчи ўринга эса бельгиялик Ким Клийстерс US Openда эришган ғалабаси туфайли кўтарилди. Россиялик Светлана Кузнецова биринчи ўнликдан ҳам тушиб кетди. У ҳозир ўн иккинчи ўринда бораяпти.

Ушбу очиқ чемпионат, кутилганидек, швейцариялик Роже Федерернинг зафарли юришига гувоҳлик қилди. У эркаклар ўртасидаги якка разрядда маҳаллий томошабинларнинг севимлисига айланиб улгурган Андре Агассини тўрт сетда мағлуб этди.

– Ўз фаолиятимни эндигина бошлаган кезларим Андре мени бир неча бор ўқувчи бола ҳолига солиб қўйган эди. Кейинчалик мен ўз қарзимни узишни бошладим ва ўйлайманки, ушбу қарама-қаршиликда бугун биз тенгмиз, - деди ғолиб журналистларга берган интервьюсида.

*Автопойга*

## ТЎҚНАШУВ УЧУН ЖАЗО

"БАР-Хонда" жамоаси ҳайдовчиси Такума Сато яна икки ҳафтадан сўнг Бразилияда бўлиб ўтадиган "Формула-1" классидаги пойгани ўн очко жарима билан бошлайди. Жаҳон чемпионати доирасидаги ушбу баҳс япониялик спортчи учун ана шундай туҳфа билан бошланадиган бўлди. У бу жазога "Бельгия Гран-приси" вақтида Михаэл Шумахер бошқараётган машина билан тўқнашиб кетганлиги учун лойиқ топилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти Кенгаши вилоят кенгашининг молиявий ишлар бўлими мудири Дилором Азимовага онаси

**ЛУТФИЯ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

**Маҳаматжон ИРГАШЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765

Буюртма Г— 616

1 2 3 4 5